2016 ЙИЛ 5 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (13.066)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимизнинг Нурафшон кўчасида бунёд этилган замонавий уйларнинг соҳиблари Янги йил байрамини янги уйларда кутиб олди.

ОРЗУ-УМИДЛАРГА ТЎЛА ХОНАДОНЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, инсон манфаатларини таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юртимизнинг обод бўлиб, халқимиз ҳаёт даражасининг муттасил ортиб бораётганида асосий омил бўлмоқда.

Бу жиҳатлар азим пойтахтимизнинг чиройига чирой қўшилиб, обод ва кўркам қиёфага эга бўлаётганида ҳам яққол ифодасини топмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Нурафшон кўчасида барпо этилган кўп қаватли замонавий уй-жойлар пойтахтимиз аҳолиси учун ажойиб туҳфа бўлди.

29 декабрь куни ушбу янги уйларга кўчиб кирган оилалар учун ташкил этилган Янги йил байрами тадбири уй тўйларига уланиб кетди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг тавсиясига мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жаҳон талабларига мос янги йўл ва магистраллар, оилавий поликлиникалар, маҳалла гузарлари барпо этилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига мувофиқ шаҳримизнинг ушбу ҳудудида жойлашган, 5-6 оила бирга истиқомат қилаётган тор, эски ҳовлилар ўрнида замонавий қулайликларга эга кўп қаватли муҳташам уйлар барпо этилмоқда.

Бугунги кунда шундай уйларнинг 15 таси фойдаланишга топширилиб, уларда 414 оила истиқомат қилмоқда. Уларга қараб ҳар қандай одамнинг ҳаваси келиши, шундай яратувчан, бунёдкор юрт фарзанди эканидан қалби ғурурга тўлиши, инсон омили устувор бўлган бугунги дориломон ва ёруғ кунларимизга шукроналар айтиши, истиқлол ато этган бебаҳо неъматларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаши табиий.

– Беш қаватли ушбу уйлар бир, икки, уч, тўрт хонали бўлиб, уларни барпо этишда Президентимиз кўрсатмаларига биноан маҳаллий иқлим шароити, шамол йўналиши, қуёшнинг чиқиши ва ботиши, сейсмик жиҳатлар тўлиқ инобатга олинган, – дейди "Тошкент уй-жой қурилиш" давлат унитар корхонаси раҳбари Мурод Ҳасанов. – Ҳозирги кунда 2016 йил учун мўлжалланган уйларнинг қурилиши олиб борилмоқда. 2016 йилда 20 замонавий уй қурилиб битказилиши кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ГЕРМАНИЯДА БЎЛДИ

Бундестагнинг (ГФР парламенти) таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг делегацияси Германияда бўлди.

Ташриф доирасида Бундестаг, Бундесрат (ГФР давлат кенгаши) ва Бранденбург ландтаги (минтақавий қонунчилик органи) раҳбарияти билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон вакиллари Германия парламентаризми, федерал ва ўлкалар даражасидаги вакиллик органлари фаолиятининг асосий тамойиллари ҳамда механизмлари, парламент назоратини амалга ошириш ва ҳокимиятнинг бошқа бўғинлари билан ўзаро ҳамкорлиги, қонун ижодкорлиги ишларининг ташкил этилиши тажрибаси ҳамда қабул қилинаётган қонуний ҳужжатлар бажарилиши самарадорлигининг тизимли таҳлили ва баҳолари билан танишдилар.

Учрашув ҳамда музокаралар чоғида Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги парламентлараро муносабатларни кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон делегацияси томонидан республикамизнинг замонавий тараққиёти, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолияти хусусидаги атрофлича маълумотлар тақдим этилиши баробарида, Германия билан конструктив ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосидаги алоқаларни ривожлантиришдан Ўзбекистоннинг манфаатдор эканлиги маълум қилинди.

Мамлакатимиз парламенти делегациясининг мазкур ташрифи Германия Федератив Республикасида юқори баҳоланди. Германия томони вакилларининг фикр билдиришларича, бу воқеа Ўзбекистоннинг жаҳондаги илғор тажрибани ўрганиш ва қўллаш асосида давлат бошқарувида парламент ролини янада оширишга бўлган содиқлигини яққол тасдиқлайди.

Жумладан, **Бундестагнинг "ГФР — Марказий Осиё" гуруҳи раиси Манфред ГРУНД** Ўзбекистон мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган салмоқли муваффақиятлар юқори баҳога сазовор эканлигини қайд этди.

— Ўзбекистон ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради, — деди М.Грунд. — Бу эса мамлакат тараққиётидаги ўта муҳим омил ҳисобланиши билан бирга, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг давом этаётганидан ҳамда халқаро ҳамкорликнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон парламенти делегациясининг мазкур ташрифи ГФР федерал ва ўлка парламентлари порталларида атрофлича ёритилди.

"Жаҳон" АА.
Берлин

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида замонавий технологияларни таълим жараёнида қўллаш самараларига бағишланган ўқув-услубий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтимиз ва вилоятлардаги тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ТАЪЛИМ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Б.Даминов ва бошқалар илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълимнинг барча бўғинига татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илм-фан ютуқларини ўзлаштириш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, навқирон авлод интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртларида ҳам таълим жараёнида илғор педагогик услублар ва замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Олий ўқув юртларида компьютер синфлари ташкил этилиб жаҳон алоқа тармоғига уланган. Ахборот ресурс марказларининг маълумотлар базаси мунтазам бойитиб борилаётир.

Уч йўналишда бакалавр, элликка яқин ихтисослик бўйича магистр ва клиник ординатор мутахассислар тайёрланаётган Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ахборот ресурс маркази базасида қарийб қирқ тўққиз минг ном, уч юз етмиш беш минг нусхада китоб ва электрон адабиётлар жамланган. Бу талабаларни жаҳон тиббиётининг илғор технологиялари билан яқиндан таништириш, ёшларнинг билим ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қилаётир. Таълим ва амалиёт жараёнини янада кучайтириш мақсадида йигирмага яқин клиникаларда амалиёт базалари шакллантирилган.

Тадбирда таълим жараёнида илғор педагогик услублар ва замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш борасида эришилаётган натижалар таҳлил этилди, бу борада орттирилган илғор тажрибалар оммалаштирилди ва истиқболдаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлигида тумандаги таълим муассасалари раҳбарлари, бошланғич ташкилот етакчилари учун "Соғлом она ва бола йилида "Камолот"нинг ўрни" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

✓ **6-7 ЯНВАРЬ** кунлари Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент Бирлашган техника мактабида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Ватанпарвар" ташкилоти "Мирзо Улуғбек Ўқув СТК" ташкилотининг ишчи-ходимлари, бошланғич ташкилот аъзолари ва вояга етмаган ёшлар ўртасида спортнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш тури бўйича спорт мусобақаси ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Олмазор туманидаги "Истиқбол" маҳалла гузарида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан "Камолот"дан Янги йил лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ватан ҳимоячилари куни олдидан Фарғона вилояти ҳокимлиги, Шарқий ҳарбий округ ва жамоатчилик вакиллари ҳарбий қисмларда бўлиб, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этмоқда. Жумладан, Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмда "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида ўтказилган тадбирда муддатли ҳарбий хизматчилар, сержант ва офицерлар, уларнинг оила аъзолари, ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Сурхондарё вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини намунали ташкил этган раҳбар ва ходимларга замонавий маиший техника воситалари совға қилинди.

● Нукусда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 40 дан зиёд корхона ва ташкилот 167 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир доирасида ташкилотчилар ва мутахассислар фуқаролар билан меҳнат қонунчилиги, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказди.

● Бухоро вилояти Қоракўл тумани Янгибозор қишлоғидаги 30-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мукаммал таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилди. 230 ўринга мўлжалланган мажмуанинг спорт зали, мураббий ва спортчилар учун хоналар, стадион, югуриш йўлаклари таъмирдан сўнг замонавий қиёфа касб этди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан турли спорт жиҳозлари билан таъминланди.

● Андижонда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишда ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш ва мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Япония жанубида 5,4 магнитудали зилзила содир бўлди. Зилзила маркази денгиз тубидан 10 километр пастроқда жойлашган бўлиб, цунами хатари юзага келмаган. Ҳозирча ер қимирлашидан жабрланганлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Австралиянинг шимолий ҳудудида рўй берган муссон ёмғирлари Дэли дарёсини тошириб юборди. Натижада кучли сув тошқинлари юзага келиб, барча ҳудудларга тарқалиб кетган тимсоҳлар кишилар ҳаётига хавф солмоқда. Шу боис аҳоли оммавий равишда хавфсиз жойларга кўчирилмоқда ва тимсоҳлардан эҳтиёт бўлишга чақирилмоқда.

● Марс сайёрасида тадқиқот ишларини амалга ошираётган НАСА мутахассислари тирик организмларнинг ҳаёт кечириши учун етарли даражада азотни топишга муваффақ бўлишди. Яъни, Гейл кратери яқинида ишлаётган марсоход тадқиқот учун чўкинди жинсларни танлаб олган. Намуналарни қайнатиш давомида мутахассислар азот геоксидини ажратиб олишган. Мазкур топилма Қизил сайёрада ҳаёт борлиги ҳақидаги назарияни тасдиқлайди.

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИ ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан темир йўл транспортини янада ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституция байрамидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган мазкур йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракция аъзолари, партия фаоллари, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов ва бошқалар оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш ва бу борадаги қонунчилик ташаббусларини илгари суришга партия муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган темир йўл тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар йўловчи ва юк ташишнинг энг замонавий талаблар даражасида ташкил этилиши, қолаверса, темир йўл паркини энг замонавий локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Тошкентдан Самарқанд шаҳрига "Афросиёб" тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 22 августидан мазкур йўналиш Қарши шаҳригача узайтирилди. Илгари йўловчи ташувчи поездлар Тошкент-Қарши йўналиши бўйича 511 километрлик йўлни олти соатда босиб ўтган бўлса, ҳозир йўлга кетадиган вақт уч соатга қисқарди. Янги йилда бу тезюрар поездларнинг Тошкент-Бухоро йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилиши режалаштирилган. Фарғона водийсини бошқа вилоятлар билан туташтирувчи "Қамчиқ" довони орқали Ангрен-Поп темир йўл линиясининг ўтказилиши бу борадаги ишларнинг кўлами нечоғли кенг эканининг яна бир исботидир.

Давра суҳбатида мамлакатимизда темир йўл соҳасини ривожлантиришга оид қонунлар, фармон ва қарорлар ҳамда соҳага доир давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлашда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг иштирокини кучайтириш, бу борада парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Учтепа туманидаги "Dimax" саноат-савдо кўргазмалар бизнес марказида "Тадбиркорлик қонун ҳимоясида" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда туман мутасадди идоралари ходимлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.

Ундан кўзланган мақсад соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш, уларнинг ҳуқуқий онгини бойитиш, муаммо ва камчиликларини ўрганиш ҳамда ечимини топишда яқиндан ёрдам беришга қаратилган.

Учрашувда мамлакатимизда молия-иқтисодиёт соҳасида қабул қилинаётган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бу борадаги ислоҳотларнинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилгани таъкидлаб ўтилди.

Бу борада туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳимояси юзасидан доимий назорат ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ҳар ойда икки маротаба мутасадди идоралар ходимлари билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

– Шу кунга қадар ўтказилган учрашувларда 800 нафардан ортиқ тадбиркорлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 250 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, – дейди Учтепа туман прокурори Элбек Инамджанов. – Ўтган 11 ой давомида тумандаги назорат қилувчи идораларда қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган текширувлар олиб борилди. Ўн икки нафар мансабдор шахслар қонун бузилишларига йўл қўймаслик борасида расман огоҳлантирилди, уч нафари маъмурий, беш нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Бешта тадбиркорнинг эса ҳуқуқлари тикланди.

Давра суҳбатида туман прокуратурасида 271-51-00 рақамли ишонч телефонларининг узлуксиз ишлаши ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатлари биринчи навбатда кўриб чиқилиши таъминланганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши юзасидан ишонч телефонларига келиб тушган мурожаатларнинг барчасига жавоб қайтарилди.

Йиғилишда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди идоралар вакилларидан етарлича жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ

Аъло Абдуллаев олган суратлар

ОРЗУ-УМИДЛАРГА ТЎЛА ХОНАДОНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Замонавий типдаги уйларни барпо этиш жараёнида газ, сув, иситиш, ҳаво айланиши, канализация, муҳандислик-коммуникация тизимларининг қулай ва мукаммаллигига, хоналарнинг баланд ва кенглиги, ташқаридан ёруғликнинг тушишига алоҳида эътибор қаратилган. Йўлаклардаги зина пиллапояларининг ҳар бири 12 сантиметрдан экани ёшу кексанинг ҳаракатланиши ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Қурилиш ишлари билан бирга уйларнинг ён-атрофида майсазорлар барпо этилиб, ободонлаштирилган. Ҳар бир йўлак олдида қулай ўриндиқлар ўрнатилган, уйлар ўртасидаги болалар майдончалари кичкинтойлар билан гавжум.

– Илгари Зарқайнар маҳалласидаги тор уйлардан бирида бир нечта оила яшардик, – дейди Гулнора Абдуллаева. – Ҳовлимизнинг бир аҳволда эканидан тўғриси, ўғлимни уйлантириш учун совчиликка боришга ҳам ийманардим. Президентимиз ғояси асосида замонавий уйларнинг қуриб, фойдаланишга топширилиши биз учун чинакам туҳфа бўлди. Хонадонлар яшаш учун тайёр экани, уларда газ плитаси, ошхона мебели, иситиш мосламалари, хоналар учун алоҳида, ювиниш хонаси учун алоҳида мини-қозонхона мавжудлиги уй ҳароратини истаган пайтда ўзингиз учун мақбул тарзда мослаштиришга имкон беради. Дераза ромлари, эшиклар, полдаги паркет пишиқ-пухта қурилиш материалларидан тайёрланган.

– Бундай замонавий уйларни орзу қилардик, – дейди 83 ёшли Тойирҳожи Маҳаматов. – Уларда истиқомат қилаётган ёшу кексанинг юз-кўзида қувонч. Нуронийлар дуода. Болаларнинг завқланиб юриши одамга хуш ёқади. Уларнинг "Бува, бу жойларнинг нимаси "Эски шаҳар", ҳамма ёқда янги, чиройли уйлар-ку?", деган саволларига бу муҳташам турар жойлар Юртбошимиз ташаббуси билан барпо бўлаётганини тушунтирамиз.

Азизжон Ҳошимов иқтисодчи. Илгари Қўштут маҳалласидаги эски ҳовлида истиқомат қилган.

– Уйларнинг барпо этилишида халқимизнинг миллий менталитетига хос барча жиҳатлар инобатга олинган, – дейди ЎзА мухбирига А.Ҳошимов. – Бу ерда меҳмон кутиш, ўғил-қизларимизнинг хонаю йўлакларда бемалол чопқиллаб юриши учун ҳам барча шароит муҳайё. Уйларнинг атрофи файзли, озода экани эътиборга лойиқ. Ана шундай кенг, барча имкониятларга эга хонадонларда соғлом авлод улғаяди. Буларнинг барчаси Президентимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида кўрсатаётган улкан ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.

– Эндиликда Эски шаҳардан унинг номи қолди, холос, – дейди "Гузарбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунхўжа Эргашев. – Шу уйларнинг ёнгинасида яна янги кўп қаватли бинолар қурилмоқда. Эсингизда бўлса, илгарилари қурилиш кетаётган, иморатлар солинаётган жойлар чанг-тўзон, шовқин-сурон бўларди. Ҳозирги замонавий уйларнинг тартиб билан, сариштa тарзда қад ростлаётгани ҳар бир одамнинг эътиборини тортади. Бунёдкорликка оид ҳамма ишлар режа билан битаётганига тасаннолар айтмай илож йўқ. Яратилаётган бундай эътибордан халқимизнинг қувончи чексиз. Янги йилни мана шундай янги уйларда шоду хуррамлик билан кутиб олган халқимизнинг дориломон кунларимизга шукроналик туйғуси, келажакка, истиқболимизга ишончи тобора ортмоқда.

Бу хонадонлар беғубор орзу-умидлар, эзгу ниятлар билан тўла.

Назокат УСМОНОВА

Хабар берилганидек, Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди вакиллари, фуқаролар йиғинлари фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини ошириш, оилалар мустаҳкамлигида албатта, нуронийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Кексалар хонадонларимиз кўрки ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадрият ва анъаналар, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир.

"Кексаларни эъзозлаш йили"да "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, кексаларни эъзозлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатликларини тиклаш, маҳаллаларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

— "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан маҳаллаларда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури тарғиботи бўйича 65 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви етакчи мутахассиси Наргис Азаматова. — Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, уларнинг фаровонлиги ва муносиб турмушини таъминлаш мақсадида 540 нафарига телевизорлар олиб берилди. Шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий муҳтож 3 минг нафардан ортиқ кексаларнинг уй-жойлари таъмирланди. "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшовчи 6 минг нафардан ортиқ кексаларга 541,2 миллион сўмлик кийимкечак олиб берилди, 30 минг нафардан ортиқ уруш қатнашчилари, қолаверса, ёлғиз пенсионерларни махсус дори-дармонлар билан бепул таъминланишига кўмаклашилди.

Шонли саналарда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш бўйича 6 мингдан ортиқ бадиий-маданий тадбирлар, учрашувлар ташкил этилиб, 38 минг нафардан зиёд фуқароларга моддий ёрдамлар кўрсатилди. Маҳаллалардаги 2 минг нафарга яқин ёлғиз кексалар ва ногиронларга ногиронлик аравачаси, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламаси, ҳасса ва бошқа ортопедия маҳсулотлари олиб берилишига кўмаклашилди.

Тадбирда кексаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига шароитлар яратиб бериш масалаларига ҳам эътибор қаратилгани қайд этилди. Хусусан, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида 46 минг нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кекса ва ногиронларнинг Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа муқаддас қадамжоларга, шунингдек, 35 минг нафардан ортиқ кексалар кинотеатр, театр, музей, концерт томошаларига, бошқа маданий-маърифий тадбирларга бепул бориши ташкил этилди.

Анжуманда қайд этилганидек, Фонд томонидан ташкил этиб келинаётган "Отам, онам ва мен – спортчи оила", "Биз ақл-идрокли оилалармиз" каби спорт мусобақалари кексаларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларни спорт машғулотларига қамраб олиш орқали саломатликларини тиклашларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича 8 та комиссия ва "Ота-оналар университети" аъзолари орасида аҳолини ортидан эргаштира оладиган, обрў-эътиборли отахону кайвони онахонлар эканлиги маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатилишида қўл келмоқда.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани бу борадаги ишларнинг кўлами нақадар кенг эканлигидан далолат беради.

Анжуманда маҳалла институтини, унинг қошида тузилган жамоатчилик комиссиялари фаолиятини янада жонлантириш, 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола" йили деб номланишидан келиб чиқиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, устувор вазифалар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида журналистлар ўртасида эълон қилинган "Истиқлол – ғурурим, маҳаллам – фахрим" кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорлари тантанали равишда тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2016 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-61-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2455-сонли Қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 75/9-5-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 23 декабрдаги РА/20-01-32-11/542-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2455-сонли Қарорига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги 75/9-5-сонли қарори билан қабул қилинган Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2016 йил даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ўтказиб бериладиган даромадлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқларидан туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2016 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасига ўрнатилган тартибда тегишли маҳаллий бюджетларга маблағлар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда, уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов ҳамда Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2015 йил 30 декбрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Танлов

ОҚИЛА, ФАОЛ ВА ТАДБИРКОР

Пойтахтимизда "Адолат" социал-демократик партияси томонидан "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" танловининг мамлакат босқичи ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.

"Адолат" социал-демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Н.Умаров ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Партиянинг сайловолди дастурида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Хотин-қизларнинг таълим олиши, касбга тайёргарлиги ва мослашувини таъминлайдиган дастурларни қўллаб-қувватлаш, болалар тарбияси учун имтиёзлар бериш, давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" танлови хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ҳамда ижтимоий мавқеини янада ошириш, билим ва касб маҳоратини мустаҳкамлаш, партия сафидаги энг фаол, ташаббускор, фидойи аёлларни кашф этиш, уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Танловда аёллар ўз сиёсий-ҳуқуқий маҳоратини синовдан ўтказиб, фаол фуқаролик позициясига эгалиги, сиёсий партияларга оид миллий қонунчилик ва халқаро тажрибалардан хабардорлиги, етакчилик ва нотиқлик қобилиятини намоён қилди. Шу билан бирга, бадиий чиқишларда юрт тинчлиги, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва оналик меҳри тараннум этилди.

Бухоро вилоятидан Зуҳра Мирзаҳамдамова биринчи, наманганлик Феруза Баҳодирова иккинчи, Қорақалпоғистон Республикасидан Ойгул Қабулбекова учинчи ўринни қўлга киритди.

А.ҚИЁСОВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ЖУМА, 8

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Замин ғаройиботлари". Ҳ/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Сайёралар". Ҳ/ф.
9.30 "Матонат". Т/с.
10.15 "Суҳбатдош".
10.30 1. "Наўпир". 2. "Чинсэн".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Агроолам".
13.20 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Менинг боғим".
14.35 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.05 "Ўстурлоб".
15.25 "Дарахт". Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Умидбахш кун". В/ф.
17.55 "Иқлим".
18.05 "Менинг ҳуқуқим".
18.15 Миллий сериал: "Опасингиллар".
18.55 "Ҳидоят сари".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги саробари". Т/с.
20.35 "Қишлоқ ҳаёти".
21.00 "Ахборот".
21.40 – 23.55 "Муносабат +".
23.55 "Қишлоқ ҳаёти".
00.15 Миллий сериал: "Опасингиллар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Сукунат". Б/ф.
3.40 "Ўстурлоб".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Умидбахш кун". В/ф.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ойна". Спектакль.
7.30 "13-студия".
8.00 "Борго Ларичи сирлари". Т/с.
8.50 "Табассум қил!"
9.00 "Ўзбек адабиёти".
9.10 "Меҳмонхона". Т/с.
9.50 "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч".
10.00 "Давр".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Мардлар қўриқлайди Ватанни".
11.40 "Сўз ёшларга".
12.00 "Умид". Т/с.
12.50 "Менинг армиям – менинг таянчим".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Истиқлол қалқони".
14.10 "Эҳ қизлар, қизлар". Б/ф
15.50 "Мардлар байрами".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
17.00 "Ҳаёт сўқмоқлари".
17.30 "Кечиккан ҳаёт". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Умид". Т/с.
21.50 "Истиқлол қалқони".
22.00 "Давр".
22.30 "Никобли одам". Б/ф. Премьера.
00.10 "Мардлар мактаби".
00.30 "Мўъжизавий дунё".
1.20 "Зар замин".
2.00 "Эъзоз ва эҳтиром".
2.30 "Илҳом қанотлари".
4.30 "Кўнгил куйи".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Касл". Т/с. /Премьера/.
11.10 "Пойтахт йўлларида".
11.35 "Профессионал".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Дилбандим!" тележурнали.
13.45 "Poytaxt-intervyu".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 Миллий кино: "Чол ва набира". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Мобильная камера".
18.30 "Эртамиз эгалари".
18.50 "Пойтахт-репортаж".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Қўзгудаги Биз".
21.30 "Poytaxt-eko".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Сапожник". Ҳ/ф.
00.05 "Пойтахт-авто".
00.15 "Ҳикматли дунё". "Бахт ови".
1.00 "Poytaxt-eko".
1.10 "Касл". Т/с.
2.10 "Болливуд маликаси". Б/ф.
3.35 "Обод хонадон".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Шижоат".
6.35 "Машқ ҳақиқатлари". Ҳужжатли фильм.
7.00 "Sport online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Хоккей. Ёшлар ўртасида. Жаҳон чемпионати.
9.45 Баскетбол.
10.55 Теннис.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Волейбол.
14.10 "REKORD.UZ".
15.10 Жаҳон кубокларида: Тоғ чанғиси. Чанғи пойгаси.
17.05 Теннис.
18.15 Кўрсатувлар тартиби.
18.20 "Техноспорт".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 "Ифтихоримсан, спорт!"
19.15 Биатлон. Жаҳон кубоги.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 "Face-sport".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 Жаҳон кубокларида: Тоғ чанғиси. Чанғи пойгаси.
23.55 "Техноспорт".
00.05 Баскетбол.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.45 Волейбол.
2.55 "Face-sport".
3.55 Тоғ чанғиси. Жаҳон кубоги.
5.00 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Дил пайванди".
06.30 "Фотокўзгу".
06.35 "Табиат шифохонаси".
06.55 "Изҳор".
07.00 Миллий кино. "Кўз ёшим".
08.25 "TV анонс".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Қайнона бисотидан".
09.00 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
09.35 "Юртим манзаралари".
09.40 "Теран илдизлар".
10.00 "Етти хазина".
10.25 "Изҳор".
10.30 "Обод юрт одамлари".
10.50 "Соғлом она – соғлом бола".
11.15 "Маҳалладошлар".
11.35 "Таҳлил ва талқин".
11.55 "Биламиз-ку аммо".
12.15 "Мўъжаз Ватан".
12.35 "Маҳалламиз спорти".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Пойма-пой".
14.40 "Осойишта ҳаёт".
15.00 Миллий сериал. "Остона".
15.30 "Маҳалла менинг тақдиримда".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Она дарё".
16.30 "TV анонс".
16.35 "Шукрона".
17.00 "Изҳор".
17.05 "Маҳалламиз чемпионлари".
17.30 "Фотокўзгу".
17.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "TV анонс".
18.05 "Бола бошидан".
18.55 "Изҳор".
19.00 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
19.40 "Иш билганга минг танга".
20.00 "Ихтиро".
20.25 "TV анонс".
20.30 "Мисли гавҳар".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Бурилиш".
22.10 "Аждодлар хазинаси".
22.35 "Соғлом турмуш".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "TV анонс".
23.15 "Нуроний фасл".
23.35 "Маҳалламиз Зулфиялари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Дил пайванди".
00.30 "Фотокўзгу".
00.35 "Ён қўшним-жон қўшним".
00.55 "Изҳор".
01.00 Миллий кино. "Пойма-пой".
02.40 "Ноёб институт".
03.00 Миллий сериал. "Остона".
03.25 "Юртим манзаралари".
03.30 "Табаррук аньана".
03.55 "Изҳор".
04.00 Миллий сериал. "Она дарё".
04.35 "Шукрона".
05.00 "Муқаддас қадамжолар".
05.05 "Маҳалламиз фидойиси".
05.30 "Изҳор".
05.35 – 06.00 "Истеъдод".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.10 "До-ми-соль".
08.30 "Мультипанорама".
09.50 "Ўйинқароқ болалар".
10.00 "Саргузаштлар ороли".
10.30 "Болалар учун фильм".
12.00 "Сеҳрли қўллар".
12.10 "Ақлли планшет".
12.30 "Эртаклар оламида".
13.40 "Катта танаффус".
14.00 "Таътил саргузаштлари".
14.50 "Китоблар мамлакатида".
15.00 "Bravo English!"
15.30 "Болалар учун фильм".
16.50 "Ланди-ланди".
17.00 "Қувноқ алифбо".
17.30 "Мультипанорама".
18.00 "Болажон орзуси".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Болажон устахонаси".
19.40 "Қувноқ стартлар".
20.00 "Миттивойлар мусобақаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.00 "English World".
21.10 "Story time".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Бахт кулиб боққанда". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Фарёд".
09.05 Болаларга таътил туҳфаси. "Мудҳиш хато".
10.50 "Телохранитель". Ҳ/ф.
13.00 "Сарой жавохири". Т/с.
14.10 "Нафосат". Б/ф.
15.50 Болаларга таътил туҳфаси. "Четан - ҳинду бола".
17.25 "Табиб". Б/ф.
19.00 "Сержантлар". Т/с.
20.20 Ҳафта юлдузи. Салмон Хон.
20.40 Болливуд туҳфаси. "Қайнота".
23.40 "Ўра". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Игрок". Ҳ/ф.
01.55 "Ноттинг Хилл". Б/ф.
03.55 – 06.00 "Каролина Лемб хоним". Б/ф.

ШАНБА, 9

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Чемпион". Б/ф. 1-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Билли Эллиот". Б/ф.
10.25 "Иқлим".
10.30 "Бизнес старт".
11.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
11.45 "Кунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Хейди". Б/ф.
16.10 "Қишлоқ ҳаёти".
16.30 "Ахборот". /инглиз/.
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Аёл таровати". Б/ф.
19.15 "Иқлим".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Мўъжизалар макони".
22.05 – 23.55 Ҳинд киноси: "Вақт". Премьера.
23.55 "Бахт қадри". Б/ф.
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Омад". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.40 "Мўъжизалар макони".
5.05 – 5.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Келинлар қўзғолони". Спектакль.
8.00 "Ўзбек адабиёти".
8.10 "Миришкор аёл". Б/ф.
9.30 "Соғлом ҳаёт".
9.50 "Истиқлол қалқони".
10.00 "Давр".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Юрт келажаги".
11.30 "Эъзоз ва эҳтиром".
12.00 "Умид". Т/с.
12.50 "Мардлар байрами".
13.00 "Давр".
13.10 "Имкон-шоу".
14.00 "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч".
14.10 "Никобли одам". Б/ф.
15.50 "Менинг армиям – менинг таянчим".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
17.00 "Ойбек". Ҳ/ф.
17.30 "Абдуллажон". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Ош бўлсин!"
20.50 "Мардлар байрами".
21.00 "Умид". Т/с.
21.50 "Истиқлол қалқони".
22.00 "Давр".
22.30 "Дорбоз". Б/ф. Премьера.
00.30 "Мўъжизавий дунё".
1.50 "Автопатруль".
2.10 "Давр мавзуси".
2.30 "Ҳаёт сўқмоқлари".
3.00 "Бухорои шариф".
3.50 "Амир Темур". Ҳ/ф.
4.50 "Нуқтаи назар".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.10 "Ледяные миры". Д/ф.
7.00 "Тошкент вақти".
9.00 "Poytaxt-reportaj".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.45 "Пойтахт-Hi-tech".
10.20 "Касл". Т/с. /Премьера/.
11.00 "Дунёдан дараклар".
11.25 "Сифат назорати".
12.15 "Борн муқоясаси". Б/ф.
14.10 "Тошкент вақти".
15.00 "Poytaxt-madaniyat".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Пойтахт-репортаж".
16.15 "Борн устунлиги". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Қўзгудаги Биз".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Олинг-олинг".
21.30 "Ўзгача услуб".
21.50 "Телемаркет".
22.20 "Снежная невеста". Ҳ/ф. /Премьера/.
00.05 "Пойтахт-эко".
00.15 "Тошкент вақти".
1.15 "Касл". Т/с.
2.10 Миллий кино: "Чол ва набира". Б/ф.
3.40 "Пойтахт-эко".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
6.25 Баскетбол.
7.35 "Парвоз завқи". Ҳужжатли фильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Теннис.
9.40 Волейбол.
10.55 Жаҳон кубокларида: Тоғ чанғиси. Чанғи пойгаси.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 Биатлон. Жаҳон кубоги.
14.10 "REKORD.UZ".
15.15 Хоккей. Ёшлар ўртасида. Жаҳон чемпионати.
16.50 "Халқ ўйинлари".
17.05 Теннис.
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 Биатлон. Жаҳон кубоги.
20.10 "Ring".
20.40 "Спорт-маркет".
20.45 "Шоҳсупага йўл".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 Жаҳон кубокларида: Тоғ чанғиси. Чанғи пойгаси.
23.55 "Техноспорт".
00.05 Баскетбол.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.40 Жаҳон кубокларида: Трамплиндан сакраш. Чана спорти. Биатлон.
4.40 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий кино. "Мактуб".
07.20 "Фотокўзгу".
07.25 "Аждодлар хазинаси".
07.50 "Изҳор".
07.55 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Мисли гавҳар".
09.00 "TV анонс".
09.05 "Бола бошидан".
09.55 "Изҳор".
10.00 Миллий кино. "Бурилиш".
11.10 "Самарқанд нонлари". ҳужжатли фильм.
11.25 "Осойишта ҳаёт".
11.45 "Иш билганга минг танга".
12.05 "Ихтиро".
12.30 "Изҳор".
12.35 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 "TV анонс".
13.05 Миллий кино. "Қўзларим йўлингда".
14.25 "Юртим манзаралари".
14.30 "Етти хазина".
15.00 "Обод маҳаллада Янги йил". 1-қисм.
16.30 "Аждодлар хазинаси".
16.55 "Эҳтиёж формуласи".
17.15 "Мўъжаз Ватан".
17.35 "Нуроний фасл".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Ноёб институт".
18.20 "TV анонс".
18.25 "Маҳалламиз Зулфиялари".
18.50 "Тўйлар муборак!" Спектакль.
20.20 "Кўнгилдаги гаплар".
21.00 Миллий кино. "Фотима ва Зуҳра".
22.40 "Идрок харитаси".
23.00 "TV анонс".
23.05 "Фермер".
23.25 "Юксалиш мезонлари".
23.55 "Юртим манзаралари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий кино". Мактуб".
01.20 "Қайнона бисотидан".
01.40 "Обод юрт одамлари".
02.05 Миллий кино. "Қўзларим йўлингда".
03.25 "Маҳалла менинг тақдиримда".
03.55 "Муқаддас қадамжолар".
04.00 "Шукрона".
04.25 "Тўйлар муборак!" Спектакль.
05.55 – 06.00 "Юртим манзаралари".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.10 "Болажон орзуси".
08.20 "Болажонлар саҳнаси".
08.30 "Мультипанорама".
09.50 "Ўйинқароқ болалар".
10.00 "Bravo English!"
10.30 "Болалар учун фильм".
11.10 "Қувноқ стартлар".
11.30 "Эртаклар оламида".
12.40 "Ланди-ланди".
12.50 "Болалар учун фильм".
13.40 "Катта танаффус".
14.00 "Таътил саргузаштлари".
15.20 "Сеҳрли қўллар".
15.30 "Болалар учун фильм".
17.40 "Қувноқ алифбо".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Билагон болажон".
20.10 "Story time".
20.20 "Мультипанорама".
21.00 "Болажон меҳмонхонаси".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Омад ҳамиша келавермайди". Б/ф.
07.20 Миллий кино. "Меҳрибоним". Б/ф.
08.50 Болаларга таътил туҳфаси. "Оцеола".
10.30 "Бахт бу".
11.20 "Ватель". Ҳ/ф. Премьера.
13.00 "Сарой жавоҳири". Т/с.
14.10 "Муҳаббат қушлари". Б/ф.
15.50 Болаларга таътил туҳфаси. "Оқ дельфин".
17.25 "Қор келин". Б/ф.
19.00 "Сержантлар". Т/с.
20.20 Миллий кино. "Юрагим сеники".
22.00 Мариголд: Ҳиндистонга саёҳат". Б/ф.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Галгамет". Ҳ/ф. Премьера.
01.55 "Олтин маъбуда". Б/ф.
03.10 Миллий кино. "Оқ бино оқшомлари".
04.00 – 06.00 "Катта сайр". Б/ф.

ЯКШАНБА, 10

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Чемпион". Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.35 "Ифтихор". Б/ф.
11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.45 "Кунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Муносабат +".
15.15 "Иқлим".
15.25 "Мадлен". Б/ф.
16.55 "Мўъжизалар макони".
17.20 "Сендан йироқда". Б/ф. Премьера.
19.00 "Кўрганларимиз ҳақида".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" /рус/.
20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
22.40 – 00.05 "Муҳаббат гўшаси". Б/ф. Премьера.
00.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
00.50 "Шарқ тароналари".
1.00 "Таҳлилнома" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Қасамёд". Б/ф.
3.40 "Кўрганларимиз ҳақида".
4.00 "Таҳлилнома".
4.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
5.40 – 5.55 "Кунларнинг бирида".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Фармонбиби аразлади". Спектакль.
7.50 "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч".
8.00 "Ўзбек адабиёти".
8.10 "Нофелет қаерда?". Б/ф.
9.40 "Истиқлол қалқони".
9.45 "Omad lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Чумоли-одам". Б/ф.
12.30 "Ош бўлсин!"
13.00 "Ўзбек адабиёти".
13.10 "Тўмарис". Ҳ/ф.
13.40 "Қалпоқ". Ҳажвия.
14.10 "Дорбоз". Б/ф.
16.10 "Мардлар мактаби".
16.30 "Раҳмат, ака!"
17.00 "Ўзбек адабиёти".
17.10 "Қизлар мактаби"
17.30 "Тангалик болалар". Б/ф.
18.50 "Истиқлол қалқони".
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "Имкон-шоу".
20.20 "Биз ёлғиз эмасмиз". Б/ф.
23.10 "Мардлар қўриқлайди Ватанни".
23.50 "Менинг армиям – менинг таянчим".
00.00 "Ватанпарвар".
00.40 "Афсона ва ҳақиқат".
5.30 – 6.00 "Давр ҳафта ичида".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00 "От полюса до полюса". Д/ф.
6.50 "Пойтахт-Hi-tech".
7.00 "Тошкент вақти".
9.00 "Дастур асосида".
9.30 "Пазанда".
10.00 Ҳинд киноси: "Ўғирланмаган келин".
13.10 "Бахт қўрғони".
13.40 "Олинг-олинг".
14.10 "Тошкент вақти".
15.00 "Дунёдан дараклар".
15.25 "Форрест Гамп". Б/ф.
17.30 "Poytaxt-avto".
17.45 "Ҳикматли дунё". "Бувижон" теленовелла.
18.30 "Пойтахт-культура".
18.40 "Қадр ортида".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Қадрдон граммофон".
19.40 "Обод хонадон".
20.00 "Тошкент вақти".
21.00 "Рангли телевизор".
21.40 "Телемаркет".
21.55 "Кинотақдим".
22.25 "Золотая невеста". Ҳ/ф. /Премьера/.
00.05 "Профессионал".
00.30 "Кўнгил ҳайратлари".
1.00 "Ҳикматли дунё". "Сароб" теленовелла.
1.45 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
2.15 "Борн муқоясаси". Б/ф.
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Баскетбол.
7.20 "Шоҳсупага йўл".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 Жаҳон кубокларида: Тоғ чанғиси. Чанғи пойгаси.
10.10 "Ring".
10.40 "Шижоат".
11.05 Теннис.
12.20 "Қувноқ стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 Жаҳон кубокларида: Трамплиндан сакраш. Чана спорти. Биатлон.
16.15 "Face-sport".
17.15 Теннис.
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 ХАБАРЛАР.
19.05 "Орзулар кемаси".
19.30 Трамплиндан сакраш. Жаҳон кубоги.
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Эътироф".
20.45 "Соғлом турмуш сари".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.05 Жаҳон кубокларида: Тоғ чанғиси. Чанғи пойгаси.
23.55 "Техноспорт".
00.05 Конькида югуриш. Европа чемпионати.
1.10 Жаҳон кубокларида: Биатлон. Чана спорти.
2.35 "Эътироф".
2.45 Жаҳон кубокларида: Трамплиндан сакраш. Тоғ чанғиси.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

06.00. "Ватан мадҳи".
06.05 "Нодир наволар".
06.35 "Мўъжаз Ватан".
06.55 "Изҳор".
07.00 "Ҳуш кайфият".
08.00 Миллий кино. "Қовун".
09.20 "TV анонс".
09.25 "Маҳалламиз Зулфиялари".
09.55 "Изҳор".
10.00 Миллий кино. "Фотима ва Зуҳра".
11.40 "Кўнгилдаги гаплар".
12.20 "Нуроний фасл".
12.40 "Ораста бекажон".
13.00 "Ҳуш кайфият".
14.00 "TV анонс".
14.05 "Бола бошидан".
14.55 "Изҳор".
15.00 "Обод маҳаллада Янги йил". 2-қисм.
16.30 "TV анонс".
16.35 "Ихтиро".
17.00 "Аждодлар хазинаси".
17.30 "Теран илдизлар".
17.50 "Маҳалламиз спортчилари".
18.30 "TV анонс".
18.35 "Сулола".
19.00 "Жавондаги жавоҳир".
19.20 "Нодир наволар".
19.50 "Изҳор".
19.55 "Йўлга чиқдик".
20.20 "Фермер".
20.40 "TV анонс".
20.45 "7 кун нафаси".
21.00 "Ҳуш кайфият".
22.00 Миллий кино. "Фотима".
23.40 "Табиат шифохонаси".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий кино. "Қовун".
01.20 "Биламиз-ку аммо".
01.40 "Соғлом она – соғлом бола".
02.00 "Маҳалламиз фахри".
02.20 "Осойишта ҳаёт".
02.40 "Маҳалладошлар".
03.00 Миллий кино. "Кўз ёшим".
04.30 "Меҳр қолур".
04.50 "Обод юрт одамлари".
05.15 "Маҳалламиз спорти".
05.35 – 06.00 "Етти хазина".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.10 "Болажон орзуси".
08.20 "Болажонлар саҳнаси".
08.30 "Мультипанорама".
10.50 "Ланди-ланди".
11.00 "Саргузаштлар ороли".
11.30 "Болалар учун фильм".
13.00 "Болажонлар саҳнаси".
13.10 "Ақлли планшет".
13.30 "Болалар учун фильм".
15.00 "Bravo English!"
15.30 "Болалар учун фильм".
17.20 "Болажон орзуси".
17.30 "Болажон меҳмонхонаси".
18.00 "Спортчи болажон".
18.10 "Мультипанорама".
19.40 "Болажон устахонаси".
19.50 "Қувноқ стартлар".
20.00 "Миттивойлар мусобақаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.00 "English World".
21.10 "Китоблар мамлакатида".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Шаҳар таронаси". Б/ф.
07.45 Миллий кино. "Юрагим сеники".
09.20 Болаларга таътил туҳфаси. "Йиртқич билан ёнма-ён".
11.15 "В сердце моря". Ҳ/ф. Премьера.
13. 20 "Чапақай". Б/ф.
15.15 Болливуд туҳфаси. "Чунки, бу тақдир".
17.50 "Ўйин режаси". Б/ф.
19.45 Миллий кино. "Дада".
21.40 Жаҳон киноси. "Лос-Анжелос сирлари".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Если я останусь". Ҳ/ф.
01.45 "Борже узуги". Б/ф.
04.45 – 06.00 "Қонли тош". Б/ф.

Сўранг, жавоб берамиз

Савдо дўконидан электр микротўлқинли печ харид қилгандим. Лекин чек олишни унутибман. Уйга келгач, печнинг яхши ишламаслиги маълум бўлди. Энди уни алмаштириб олиш учун дўконга қайтиб бормоқчиман. Агар чек йўқлигини рўкач этса, қандай йўл тутсам бўлади?

А.Воҳидов,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасида белгиланишича, истеъмолчига нуқсонли маҳсулот сотилганда унинг барча талаблари у касса ёки маҳсулот чекини тақдим этган тақдирдагина кўриб чиқилади. Шунинг учун аввало, маҳсулот ана шу сотувчидан чек берилмасдан сотиб олинганлигини исботлаш, иккинчидан эса – сифатсиз маҳсулотни қайтариб олиб, пулни қайтаришларини ёки алмаштириб беришларини талаб қилиш керак бўлади.

Маҳсулот ана шу дўконда чек берилмасдан харид қилинганлигини исботлаш учун шундай иш тутиш мумкин. Агар харидингиз гувоҳлари бор бўлса, масалан, сиз билан дўконда танишларингиз бўлган бўлса – жуда яхши. Чунки исботлашнинг бир тури – гувоҳларнинг кўрсатматлари ҳисобланади. Биргаликда далолатнома тузилади, унда маҳсулот чек берилмасдан сотиб олинганлиги баён этилиб, гувоҳларнинг имзолари қўйилади. Кейин чек беришлари тўғрисида ариза ёзилиб, у дўкон раҳбарига топширилади. Сотувчи кассани очиши, тасмани айлантириши ва чекни топиши мумкин. Чекни қўлга олгач, сотиб олинган маҳсулотни алмаштиришни ёки пулни қайтаришни талаб қилишингиз мумкинлиги белгиланган.

Азиза Боқижонова,
Наргиза Муҳаммадиева,
Сергели туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Автомобиль бошқариб кетаётган ҳайдовчининг телефон ишлатиши тақиқланганини биламиз. Агар телефон қулоқчин, яъни наушник воситасида гаплашилса, бу ҳам жавобгарликни келтириб чиқарадими?

В.Тожибоев,
Яккасарой тумани

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 128-моддаси 1 қисмига кўра: транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши – энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Аҳамият берсангиз, бу ерда телефондан ҳар қандай усулда фойдаланиш ҳам тақиқланиши тўғрисида гап кетмоқда. Ҳайдовчи телефонни хоҳ махсус қурилма ёрдамида карнайга уламасин, хоҳ наушникда гаплашмасин, барибир жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланган.

Хосият Исаева,
Чилонзор туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Бувим жиянимга мулкининг бир қисмини васият қилди. Энди уни бекор қилмоқчи бўлаяпти. Бунинг учун нима қилса бўлади. Лекин бувимнинг феъли ўзгариб турадди. Бироз ўтиб, фикридан қайтиб, васиятномани яна қайта тиклашлари ҳам мумкинми?

У.ҲИДОЯТОВ,
М.Улуғбек тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига асосан: Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёки ундаги айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли. Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма аризасига кўра нотариус ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки кейингисига зид бўлган қисми бекор қилинади. Агар кейинги васиятнома ҳам ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмаслиги белгиланган.

Сайёра Модалиева,
Чилонзор туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Яккасарой туманидаги 57-оилавий поликлиника жамоаси педиатрия бўлими бошлиғи **Дилдор Фахрутдиновна ТАШПУЛАТОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Спорт янгиликлари

Яккасарой туманидаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортчи қизларга Президентимиз совғаси – спорт кийимларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Муҳаммад Амин олган сурат

СПОРТГА БЎЛГАН ИШТИЁҚНИ ОШИРАДИ

Тадбирда пойтахтимизнинг барча туманларидаги Ўзбекистон, Осиё ва Халқаро мусобақа ғолибларига 150 нафардан зиёд миллий ва замонавий дизайн асосида тайёрланган спорт кийимлари тақдим этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори Э.Искандаров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, бу жараёнда қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш мақсадида кўплаб спорт иншоотлари янгидан қурилиб, мавжудлари қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилмоқда, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек 1-академик лицейнинг жисмоний тарбия раҳбари Ҳилола Уматқулова. — Таълим масканимизда волейбол, теннис, баскетбол тўгараклари фаолият юритмоқда. Ўқувчиларимиз шаҳар, республика микёсидаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Келгусидаги режаларимиз катта. Спортчи қизларимизга Президентимиз совғасининг топширилиши эътиборнинг юксак намунасидир. Бу албатта келгусида спортда кўплаб ютуқларни қўлга киритишларига замин ҳозирлайди.

Пойтахтимизнинг барча туманларида спортчи қизларга спорт кийимларини тантанали топшириш тадбирлари жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари, "Камолот" ЁИҲ, хотин-қизлар қўмитаси, фахрий спорт мураббийлари ва чемпионликни қўлга киритган ёш спортчилар иштирокида ўтказилади.

— Спортда ютуқларга эришган ака-опаларимни кўриб уларга жуда ҳавас қилардим, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Муборак Абдуғаффорова. — Мен ҳам спортнинг шашка турига қизиқаман. Интилишим мунтазам шуғулланишим натижасида икки карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва халқаро турнирлар иштирокчисига айландим. Бу каби ютуқларни қўлга киритишимда ота-онам ва устозларимнинг меҳнати катта. Келгусида бунданда юқори зафарларни қўлга киритиш мақсадидаман.

Тадбир давомида спортчи ёшлар ва иқтидорли болажонларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Зарина РУСТАМОВА

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Маданият ва спорт: ташаббус ва таҳлил" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда вазирликнинг бошқарма бошлиқлари, вазирлик тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, 2015 йилда маданият, санъат фестиваллари, танловлари ҳамда спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришиб Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ғолиблар иштирок этди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Ф.Жўраев ва бошқалар Президентимиз бошчилигида миллий маданиятимиз, санъатимиз ва спорт соҳасини тараққий эттириш, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама камол топтириш ва рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Жорий йилда вазирлик томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар, фестиваль ва танловлар ўтказилди.

Жумладан, "Шарқ тароналари" Х халқаро мусиқа фестивали, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" ва ёш созандаларнинг "Созлар навоси" кўрик-танловлари, "Санъат мактаби" телефестивали, "Ёшлик баҳори" ёш опера ижрочилари кўрик-фестивали, "Онам айтган аллалар" каби танловлар билан биргаликда бир қатор янги лойиҳалар ҳам амалга оширилди.

2015 йилда илк маротаба ташкил этилган "Ёшлик завқи" номли балет ва замонавий рақс ижрочилари фестивали, халқаро рақслар гулдастасига айланган "Рақс сеҳри" танлови, Ёш мақом ижрочилари кўрик-танлови, "Ижодимиз сенга, Ватан" номли бастакорлар республика танловлари ёш санъатсеварлар учун ҳақиқий ижод майдонини яратди.

Шунингдек, театр санъатида ҳам кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бериб, саҳна санъатини тараннум этувчи бир қатор фестиваллар ташкиллаштирилди.

"Актёр ижодида рақс санъати" кўрик-фестивали, ўзбек санъати ва халқ ижодиёти дурдоналарини асраш, ёшлар онгу шуурига сингдириш мақсадида ташкил этилган "Хуш кайфият" қизиқчи ҳамда сўз усталари республика танлови, вазирлик тасарруфидаги маданият ва санъат коллежларининг актёрлик ва режиссёрлик йўналишидаги ўқувчилар ўртасида ўтказилган "Йилнинг энг яхши саҳна асари" кўрик-танловлари шулар жумласидандир.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Нима қилдик, Ватан учун" ёки "Биз ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз" шиори остида ўтказилган фестиваллар ҳам ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, зарарли иллатларга қарши курашиш руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилди.

Жорий йилда республикамизда 97 та Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, 26 та маданият ва истироҳат боғлари фойдаланишга топширилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида юртимиздаги 35 та маданият ва истироҳат боғларида, 37 та санаторий, 33 та Саховат ҳамда Мурувват уйларида меҳнат фахрийлари ва нуронийлар учун маданий-маърифий-мусиқий дам олиш кечалари ташкил этилди.

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирда қабул қилингани мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганининг самарасидир.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, замонавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш мақсадида режа асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2015 йилда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида саккиз мингга яқин оммавий спорт тадбирлари уюштирилди. Спортчиларимиз олимпия ва миллий спорт турлари бўйича йил давомида ўтказилган 297 та халқаро мусобақаларда 311 та олтин, 274 та кумуш, 276 та бронза медалини қўлга киритди.

Анжуманда 2016 йилда маданият ва спорт соҳаларини янада тараққий эттириш борасида амалга оширилиши кўзда тутилаётган режалар хусусида ҳам фикр юритилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СЎРОВНОМА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан 2015 йилги мавсумнинг энг яхши мураббийси ва футболчисини аниқлаш бўйича сўров бошланганлиги эълон қилинди.

Сўров холислигини таъминлаш мақсадида мустақил равишда журналистларнинг тўғридан-тўғри иштирок этишлари чекланган. Хуллас, овоз бериш жараёнида аҳоли билан бир қаторда таҳририятлар ҳам иштирок этади. Сўровнома якунлари 2016 йилнинг 10 январидан кейин эълон қилинади.

Шу йилнинг январь ойида Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида футбол бўйича 13 ёшли ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Мазкур нуфузли турнирга тайёргарлик кўраётган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси пойтахтимизда "Бунёдкор"нинг 13 ёшли ўсмирларидан таркиб топган командаси билан ўртоқлик баҳсида куч синашди.

Йигирма дақиқалик 3 та бўлимни ўз ичига олган беллашув муросасиз ва қизғин курашлар остида кечди. Учрашув 3:3 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Бу беллашувни уюштиришдан кўзланган мақсад ўсмирлар терма жамоасининг ҳар бир футболчисининг жисмоний ва руҳий ҳолатини яна бир бор кўздан кечириш эди.

Якунига етган 2015 йил футбол мухлисларига ўзига хос ҳаяжонли онларни ҳадя этди.

ЯНГИ МАВСУМ НАФАСИ

Айниқса олий лига жамоалари ўртасидаги мамлакат XXIV миллий чемпионати баҳслари ҳар йилгига нисбатан анча қизиқарли кечгани айни ҳақиқат.

Яқинда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан янги мамлакат XXV миллий чемпионатига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Олий лига жамоалари қуръа натижаларига кўра янги мавсумни 5-6 март кунлари бошлайдиган бўлишди. Мамлакат XXV миллий чемпионатига ҳам олий лигада 16 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борадиган бўлди.

Энди эътиборингизга янги мавсумда олий лига жамоалари ўртасида ўтказиладиган 1, 2-турлар жадвалини эълон қиламиз.

1-тур. (5-6 март)	2-тур. (11-12 март)
"Пахтакор" – "Андижон"	"Пахтакор" – "Қўқон — 1912"
"Қўқон — 1912" – "Обод"	"Андижон" – "Локомотив"
"Бухоро" – "Олмалиқ"	"Обод" – "Бухоро"
"Насаф" – "Шўртан"	"Олмалиқ" – "Насаф"
"Қизилқум" – "Машъал"	"Шўртан" – "Қизилқум"
"Металлург" – "Сўғдиёна"	"Машъал" – "Металлург"
"Бунёдкор" – "Нефтчи"	"Сўғдиёна" – "Бунёдкор"
"Навбаҳор" – "Локомотив"	"Нефтчи" – "Навбаҳор"

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

"Бунёдкор" футбол мактабининг 1999 йилда таваллуд топган футболчиларидан иборат жамоа жорий мавсумни омадли ўтказганлигини муносиб тақдирлаш мақсадида махсус маросим ташкил этилди.

Дилмурод Абдуллаев устозлигидаги тарбияланувчиларни эришилган муваффақиятлар билан қутлаш мақсадида "Бунёдкор" футбол мактаби директори Сергей Лушчан ва академия маслаҳатчиси Рустам Акрамов ташриф буюрди.

— Ортда қолган мавсум биз учун омадли ўтди. Бир нарсани ёдда тутинглар, сизларни ҳали олдинда катта футбол кутмоқда. Ҳеч қачон машғулот ўтказишдан эринманг, ўсишдан тўхтаманг. Ана шунда, профессионал футболда барқарор фаолият юритасизлар, — деди "Бунёдкор" футбол мактаби директори Сергей Лушчан.

Маълумки, Тошкент шаҳар болалар-ўсмирлар ўртасидаги футбол биринчилигининг 16 ёшгача бўлган футболчилар мусобақасида "Бунёдкор-99" биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Фарғона шаҳрида ўтказилган футбол клублари тайёрлов гуруҳларининг Республика турнирида ҳам ғолиблик қўлга киритилди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Реклама ўрнида

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***6 январь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 9-11 даража илиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***6 январда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9209

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12216 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ